

5-мавзу. Пахтачиликда алмашлаб экиш ва экин майдонлари структураси

Режа:

1. Алмашлаб экиш ва унинг аҳамияти.
2. Алмашлаб экиш турлари.
3. Алмашлаб экишни тупроқ унумдорлигига таъсири ҳамда алмашлаб экиш ротацияси ва тизимлари.
4. Пахта далаларида алмашлаб экиш

Алмашлаб экиш деб, экинларни йиллар давомида далалар бўйича юқори агротехник шароитда тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ҳосилни оширишни таъминлайдиган тўғри навбатлаб экишга айтилади. Алмашлаб экишнинг аҳамияти шундаки, унинг таркибидаги кўп йиллик ўтлар ўзидан кейин ерда кўп миқдорда органик моддалар қолдиради. Шу туфайли тупроқнинг структураси, сув-физик хоссалари, намлик сиғими, зичлиги, тупроқнинг озик, иссиқлик, ҳаво режимлари ва микроорганизмлар фаолияти яхшиланади.

Алмашлаб экиш таъсирида тупроқда турли касалликлар ва ҳашоратлар миқдори кескин камаяди. Фақат экинлар навбатлашуви илмий асосда ташкил этилиб, жорий этилгандагина тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш мумкин. Майдон, касалликлар манбаи ва бегона ўтлардан тозаланади, ҳосилдорлигини ошириш билан чорвачилик ем-ҳашак базасини кўтаришда ҳам катта роль ўйнайди.

Бир даланинг ўзида битта экиннинг узок вақт экилиши *сурункасига экиш* дейилади. Хўжалик майдонларининг кўп қисмида узок вақт битта экинни экилиши *монокультура* дейилади. Экинлар ўзаро навбатлашмасдан бир майдонда узлуксиз экилаверса, ҳосилдорликка путур етказадиган салбий оқибатлар юзага кела бошлайди, экинга қанчалик парвариш берилсада ҳосилдорлик кўтарилмасдан пасая боради. Бунга сабаб, ўсимликнинг бир томонлама танлаб озикланиши бўлса, унга ўзига хос касаллик, зараркунанда ва мослашган бегона ўтлар пайдо бўлади.

Тажриба маълумотларига кўра, сурункасига ғўза экилган ерда вилт касали 40-50% ни, алмашлаб экилган далада эса 9% ни ташкил қилган. Маълумки турли экинларнинг илдизи турлича ривожланади. Шу туфайли экинлар ердан озик элементларни ҳар-хил ўзлаштиради. Масалан, ғалла экинлари тупроқдан кўп миқдорда фосфор, илдизмевалар эса калийни, дуккакдилар фосфор ва калийни, ғўза эса азот ва фосфорни кўп ўзлаштиради. Шу туфайли тупроққа сурункасига бир хил экин экиш оқибатида озик моддаларнинг бир томонлама камайиш жараени содир бўлади. Бундай жараен сурункали давом этиши натижасида тупроқ унумдорлиги кескин пасаяди. Алмашлаб экиш натижасида бегона ўтлар миқдори 30-50% гача камаяди, ўғитлар самарадорлиги 30-40% ошади, ҳар бир гектар экин майдонига сарфланаётган сув 10-25% гача тежаллади. Алмашлаб экиш таъсирида кўп йиллик ем-ҳашак экинлари ботқоқланиш ва шўрланиш

жараени яъни туз тўпланишини камайтиради, натижада экинларнинг ҳосилдорлиги 10-35% гача ошади.

2.Алмашлаб экиш турлари.

Алмашлаб экиш, олинадиган маҳсулотларнинг турига қараб дала, ем-хашак ва махсус турларга бўлинади.(12-жадвал)

1. Дала алмашлаб экиш. Бунда умумий майдоннинг ярмидан кўпида дон ва техник экинлар экилади. Улар асосан буғдой, ғўза, зиғир ва хокоза экинлардир.

2. Ем-хашак алмашлаб экишда умумий экин майдонинг кўпини ем-хашак экинлари ташкил қилади. Улар ҳам ўз навбатида иккига бўлинади: ферма олди ва пичан тайерлаш (яйлов).

Ушбу жадвалда берилган алмашлаб экиш классификацияси Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясининг деҳқончилик кафедрасида ишлаб чиқилган.

Ферма олдида алмашлаб экиш фермага якин ерларда ташкил қилинади ва уларда чорва молларига кўкат ҳолда едириладиган силосбоп ўсимликлар экилади. Пичан тайерланадиган яйлов алмашлаб экишлар эса ўтлоқларда ташкил қилинади. Бунда асосан кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар экилади.

Махсус алмашлаб экишда алоҳида шароитни талаб қиладиган яъни тупроқ унумдорлиги юқори ва суғоришнинг махсус усулларини талаб этадиган экинлар экилади. Бундай экинларга шоли, сабзавот, полиз, тамаки, картошка, каноп ва бошқалар киради.

1-жадвал

Алмашлаб экишлар классификациясининг схемаси.

Алмашлаб экиш типлари	Турлари
Дала экинлари.	<p>Дон-шудгор</p> <p>Дон-шудгор, қатор оралари ишланадиган, шу жумладан, дон –шудгор-лавлаги,</p> <p>Дон-шудгор-картошка, дон-шудгор-кунгабоқар ўсимликлари.</p> <p>Дон-ўт ўсимликлар, шу жумладан, дон-зиғир-ўт ўсимликлар, тупроқ ихота ўсимликлар.</p> <p>Дон-қатор оралари ишланадиган экинлар.</p> <p>Дон-ўт-қатор оралари ишланадиган экинлар (экин алмашинадиган), шу жумладан, тоза шудгорли дон-ўт-лавлаги ўсимликлар.</p> <p>Қатор оралари ишланадиган экинлар, шу жумладан, ғўза.</p> <p>Ўт-қатор оралари ишланадиган экинлар, шу жумладан, беда-ғўза, беда-лавлаги экинлари.</p> <p>Сидератлар.</p> <p>Алмашинадиган экинлар.</p> <p>Қатор оралари ишланадиган экинлар. Ўт-қатор оралари ишланадиган экинлар.</p> <p>Ўт-далали, шу жумладан, тупроқ, ихота</p>

<p>2.Ем-хашак экинлари: а) ферма олди ўсимликлари б)пичан тайерланади-ган яйлов ўсимликла-ри.</p> <p>3.Махсус алмашлаб экиш.</p>	<p>ўсимликлар. Ўт-қатор оралари ишланадиган экинлар: шу жумладан, сабзавот ем-хашак, тамаки экинлари Қатор оралари ишланадиган экинлар, шу жумладан сабзавот экинлари. Дон-ўт, шу жумладан, шоли экинлари. Қатор оралари ишланадиган шу жумладан, сабзавот экинлари. Ут қатор оралари ишланадиган шу жумладан сабзавот экинлари, ғўза, тамаки</p>
--	--

Алмашлаб экишда экинлар маълум далаларда навбатланиш тартиби буйича жойлаштирилади, бунда далалар сони 2-4 дан 10-12 тагача бўлади.

Масалан, 10 далали алмашлаб экиш бўлса, далалар 10 та бўлиб, экинлар унда навбат билан жойлаштирилади. Бир қанча экин экиладиган алмашлаб экиш даласига **далалар тўплами** дейилади.

Далалар тўпламига қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Далалар тўплами учун ерга бўлган талаб.
2. Ишлов бериш ва парвариш қилиш таркиби.
3. Экинларни тупроқ унумдорлигига таъсири.

Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги далалар тўпламини ташкил қилиш мумкин.

1. Қатор ораларига ишлов бериладиган экинлар.
2. Кузги экинлар (буғдой, арпа, жавдар) экиладиган дала.
3. Ёппасига экиладиган баҳорги экинлар далалари (беда, буғдой, арпа, сули, ва хоказо).
4. Лалмикор шароитда алмашлаб экишда бита дала тоза шудгор ҳолда қолдирилиб қолганларига дон экинлари экилади.

3. Алмашлаб экишни тупроқ унумдорлигига таъсири ҳамда алмашлаб экиш ротацияси ва тизимлари.

Алмашлаб экишда ўтмишдош экин муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишдош экин деб, муайян далада олдинги йилларда экилган экин турларига айтилади.

Суғориладиган ерларда барча экинлар учун беда энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Беда ўсимлиги катта агротехник ва хўжалик аҳамиятига эга.

1.Тупроқнинг физик хусусиятларини яхшилайти, дондор ҳолатга айлантиради, чунки унинг илдиз тизими кучли ривожланган.

2.Сербарглилиги, тупроқ юзасини қуеш қиздиришидан сақлаб, бутун ўсув даврида тупроқ юзасига тузларнинг кўтарилишини тўхтатади, бу жиҳатдан мелиоратив тадбирни ўтказди.

3.Ер ости сувлари сатҳининг пасайишига олиб келади, чунки бу ўсимлик массаси орқали гектарига 12-15 минг м³ сув буғлантиради, биологик дренаж ролини уйнайди, захарли тузлар камаяди.

4.Илдизда тугунак бактериялар ривожланиб азот тўпласа, илдиз колдиғида ҳам 2-2,5% гача азот тўплайди. Иккаласи ҳисобига ҳар гектарида 500-600 кг гача азот тўплаши мумкин.

5.Бедапояда гумус миқдори кўпаяди, 3-йиллик бедапоянинг 20-25 см да 8-15 т/гача гумус кўпаяди. Бу ҳисобда тупроқнинг барча хоссалари, айниқса сув баланси яхшиланади.

6.Беда илдизи чириши билан тупроқда ҳаракатчан фофор миқдори ошади.

7.Беда вилт ва бошқа касалликларни камайтиради.

8.Беда минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширади.

9.Беда юқори маҳсулдорли ем-хашак экинидир. У оксил ва каротинга бойдир.

Лалмикор шароитда эса тоза шудгор яхши ўтмишдошдир.

Шу нарсаларни этиборга олиб, пахтачилик хўжаликларида алмашлаб экишнинг 10,9,8 далали яъни 3:7, 3:6,3:5 тизимлари қўлланиб келинди (биринчи рақам беда, иккинчи рақам ғўза). Бунда ғўзанинг ўзаро салмоғи 70-66,7-62,5% га тенгдир.

Алмашлаб экишнинг схемасини белгиловчи омил, аввало, хўжаликнинг йўналиши ва тупроқнинг шўрланиш даражаси белгиласа, тупроқ ва шамол эрозияси ва майдонни касалланиш даражасини ҳам белгилайди.

Ғўза вилт билан касалланган майдонларда алмашлаб экишнинг бўлакланган 2:4:1:3, 2:4:1:2, 2:3:1:2 тизимлари тавсия этилди (биринчи рақам-беда, иккинчи рақам- ғўза, учинчи рақам-дон еки ем-хашак экинлари, тўртинчи рақам- ғўза). Бедани биринчи йили дон экинлари, маккажўхори, билан аралаштириб экиш тавсия этилади.

Мелиоратив жиҳатдан ноқулай бўлган ерларда 1:3:4; 1:3:5; шамол эрозияси еки кумли тупроқларда 3:3; 3:4; 3:3:1 тизимлари қўлланилгани маъқул.

Дехқончиликда тупроқ унумдорлигига қараб алмашлаб экишнинг ҳозирги вақтда тавсия этилаётган 8-далали (3:4:1) ва 6-далали (2:3:1) схемаларининг ротацияларини келтирамиз (2-3 жадваллар).

2-жадвал

Пахта-беда-дон алмашлаб экишнинг 8-далали тизими.

№	1	2	3	4	5	6	7	8
1	Б+Д	Б	Б	П	П	П	П	Д
2	Б	Б	П	П	П	П	Д	Б+Д
3	Б	П	П	П	П	Д	Б+Д	Б
4	П	П	П	П	Д	Б+Д	Б	Б
5	П	П	П	Д	Б+Д	Б	Б	П
6	П	П	Д	Б+Д	Б	Б	П	П
7	П	Д	Б+Д	Б	Б	П	П	П
8	Д	Б+Д	Б	Б	П	П	П	П

Бу тизимда беда 27,5%, пахта-50%, дон 12,5% ташкил этади. Бу ерда дон йиғиштириб олингач такрорий экинларни экиш кўзда тутилади.

Пахта-беда-дон алмашлаб экишнинг 6-далали тизими.

№	1	2	3	4	5	6
1	Б+Д	Б	П	П	П	Д
2	Б	П	П	П	Д	Б+Д
3	П	П	П	Д	Б+Д	Б
4	П	П	Д	Б+Д	Б	П
5	П	Д	Б+Д	Б	П	П
6	Д	Б+Д	Б	П	П	П

Пахта-50%, беда-33,3%, дон-16,7%

Бу тизимларнинг иккаласи ҳам кўпроқ шўрланган, шўрланишга мойил бўлган ерларга мос келади, ғўза бир майдонда 3-4 йилдан ортиқроқ экилмайди, тупроқнинг физик, химик хусусиятларининг пасайиш ҳолатлари кузатилмайди.

Пахта-ғалла алмашлаб экиш тизими кўйидаги кўринишда бўлиши мумкин (4-5 жадвал).

Пахта-ғалла алмашлаб экишнинг 3-далали тизими

№	1	2	3
1	Ғ	П	П
2	П	П	Ғ
3	П	Ғ	П

Пахта-66,7%, Ғалла 33,3%.

Пахта-ғалла алмашлаб экишнинг 4-далали тизими

№	1	2	3	4
1	Ғ	П	П	П
2	П	П	П	Ғ
3	П	П	Ғ	П
4	П	Ғ	П	П

Пахта-75%, Ғалла-25%.

Шу нарсани қайд этмоқ керакки, пахта-ғалла алмашлаб экишда пахта-беда-дон алмашлаб экишга нисбатан пахтанинг умумий салмоғи бирмунча баланд бўлганлиги учун ҳам ундан олинадиган ялпи пахта маҳсулоти ҳам (100 гектарга нисбатан) юқори бўлади. Бу эса унинг иктисодий томондан юқори бўлишини кўрсатади. Лекин, тупроқнинг унумдорлигини сақлаб қолиш тадбирларини кўришни ҳам тақоза этади.

Алмашлаб экишни қўллаш учун ер массиви маълум сондаги далаларга бўлинади ва шу участкада етиштириладиган экинлар ҳар бир далага навбат билан экилади.

Экинларни тартиб билан, белгиланган схемада ҳар бир далага экиш учун кетган вақт *алмашлаб экиш ротацияси* еки *ротация даври* дейилади. Ротация даври далалар сонига тенг бўлади. Экинларни ротация даврида

йиллар ва далалар бўйича жойлаштириш режаси *ротация жадвали* дейилади. Экинлар гуруҳининг руйхати ва уларнинг навбатланиши *алмашлаб экиш тизими* (схемаси) дейилади. Масалан 3:7 (3 дала беда, 7 дала пахта). Алмашлаб экишда экинлар ҳар йили еки бир неча йилда алмашиниши мумкин. Масалан, 10 далали 3:7 тизимдаги ғўза-беда алмашлаб экишда ғўза битта далада 7 йил ўстирилади, беда эса 3 йил, 10 далали 1:2:1:2:1:3 тизимидаги ғўза-дон алмашлаб экишда ғўза битта далада 2-3 йил, дон эса бир йил экилади еки 1:3 ғўза-дон алмашлаб экишда ғўза-битта далада 3 йил, дон бир йил экилади.

Пахта далаларида алмашлаб экиш.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларида ғўза асосий экин ҳисобланади. Шунинг учун суғориладиган умумий майдоннинг камида 66,7—80% ини ғўза, қолган 20— 33,3% ини ем-хашак, озиқ-овқат экинлари ташкил этиши керак. Ем-хашак экинлари ичида беда етакчи ўринни эгаллайди.

Суғориладиган пахтачилик районларида алмашлаб экишда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади. Тупроқда кўп миқдорда органик моддалар, азот ва бошқа озиқ элементлари тўплаш, тупроқнинг физикавий хусусияти, микробиологик ҳолатини яхшилайдиган ўсимликларни навбатлаб экиш, шу билан тупроқ унумдорлигини алмашлаб экиш схемаларида етакчи экин ҳисобланган пахта ҳосилини узлуксиз ошириш, ҳар бир хўжаликда экин майдонлари структурасини яхши сақлаган ҳолда, ердан мумкин қадар унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш бригадаларини тўғри ташкил этиш, органик ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, комплекс механизацияга суяниб меҳнат унумдорлигини кўтариш.

Ўрта Осиё шароитида ёзда ҳаво қуруқ ва иссиқ келгани учун тупроқ таркибидаги органик моддалар тез парчаланиб кетади, натижада тупроқнинг физикавий хусусияти ёмонлашади, унинг унумдорлиги пасаяди. Юқорида айтилганидек, республикамизнинг суғориб дехқончилик қилинадиган майдонларининг ярмидан кўпроги шўрланган бўлгани учун экинларнинг ҳосилдорлиги тезда пасайиб кетади. Бундай камчиликларни йўқотиш учун фақат алмашлаб экишни жорий этиш керак. Алмашлаб экишда беда энг универсал ва энг яхши самара берадиган экин ҳисобланади. Беданинг қимматли томони шундаки, у тупроқда 2—3 йил ичида гектар бошига 300—400 кг ва бундан ҳам кўпроқ азот тўплайди, тупроқ структурасини тиклайди, сув, ҳаво режимини яхшилайдди. Шунинг учун дехқонларимиз беда ғўзани боқадди, деб бежиз айтишмаган.

Беда бир мавсумдаги ўсув даврида ер остки ва ер устки массасини ҳосил қилиш учун ўзидан гектарига 12— 15 минг m^3 гача сув буғлатади.

Беданинг бу хусусияти ер ости сувлари юза жойлашган майдонларда унинг камайиб пастга тушиб кетишига сабабчи бўлади ва тупроқнинг шўрланиш даражаси анча пасайиб зарарли тузларнинг экинга кўрсатадиган таъсири кескин камаяди. Кўп йиллик амалий тажрибалар шуни кўрсатдики, беда ўсимлиги ғўзанинг ашаддий душмани бўлган **вилт касаллигининг анча камайишига ёрдам беради**. Маълумки, бу касалликни қўзғатувчи замбуруғлар беда илдизида кўпаймайди

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахтакор хўжаликлар учун 9 далали (3:6), 10 далали (3 : 7) ва 12 далали (3 : 9) аямашлаб экиш схемаларини тавсия қилади. Бунда биринчи рақам беда ва ем-хашак экинларини, кейингиси ғўзани кўрсатади. Беда биринчи йили маккажўхори, окжўхори, райграс ёки суданўтга, кўкат озик ёки дон учун арпага қўшиб экилади. Бу схемаларда ердан янада унумли фойдаланиш, яъни кўплаб ем-хашак етиштириш мақсадида алмашлаб экишнинг биринчи даласига силос учун маккажўхори экиб олиб, август ойида бедага такрорий экин сифатида арпа қўшиб экиш янада яхши самара беради. Ёки алмашлаб экиш бўйича беда сепиладиган биринчи далага дон учун кузги бошоқли экин экиб, унинг ўрнига дон учун маккажўхори экиш, ҳосили йиғиштириб олиниши биланоқ — сентябрь-октябрь ойларида учинчи — асосий экин сифатида беда сепиш ҳам мумкин. Иккинчи ва учинчи йиллари ғўза ва беда ўстирилади. Алмашлаб экишнинг 2:4:1:2, 2:4:1:3 ва 2:5:1:4 схемаларида беда ёлғиз ўзи ёки кўкат озик учун маккажўхори, окжўхори, райграс ёки суданўт билан аралаштириб экилади. Икки йилдан кейин сурункасига 4 ёки 5 йил пахта етиштирилади. Бундан кейин ем-хашак учун мўлжалланган битта оралик далага дон учун баҳори бошоқли экиннинг ёлғиз ўзи ёхуд силосбоп маккажўхори экилади, бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг, ўрнига кўкат озик ёки дони учун маккажўхори, маккажўхори силосга ўриб олингандан сўнг эса унинг ўрнига оралик экин сифатида кўкат озик, жавдар ва рапс ёки кўкат озик учун суданўт, окжўхорининг «Ўзбекистон» пакана кечки нави экилади. Бу дала бир йилда икки марта дон етиштиришга мўлжалланган, яъни пахтадан бўшагандан кейин кузги арпа экилиб, ҳосили барвақт йиғиштириб олинади ва ўрнига такрорий экин сифатида дон учун маккажўхорн экилади. Лекин бу даладан йилига уч марта ҳосил олиш ҳам мумкин. Бунда кўкат *озик* учун кузги жавдар, кейин силосбоп маккажўхори ва учинчи экин сифатида кўкат озик учун кузги рапс экилади. Сўнг кейинги 2—4 йил пахта етиштирилади. Алмашлаб экишнинг 2 : 7 ва 2 :8 схемасида ҳам беда юқорида кўрсатилган схемалардаги каби етиштирилади. 1:4:1:4 схемали алмашлаб экишда 1 ва 6- далаларда 2:4:1:2, 2:4:1:4 га 2:5

схемаларидаги сингари оралик экинлар ўстирилади. Алмашлаб экишнинг 1 : 3 : 5 ва 1 : 3 : 6 схемалари кучли шўрланган ерлар учун мўлжалланган: бунда 1-дала мелиоратив дала ҳисобланиб, бу майдон даставвал асосли текисланади ва шўри ювилади, кейин органик ўғитлар солиниб, бир йиллик экинлар (ўзлаштириш учун) етиштирилади. Ҳосили ўриб-йигиб олингандан сўнг, яна бир бор текисланади ва кузга бориб шудгорлаб қўйилади. Алмашлаб экишнинг бу хилдаги схемалари, ернинг мелиоратив ҳолати яхшилангандан сўнг, биринчи ротация тугагач, 3 : 6 ҳамда 3 : 7 схемаларига ўтказилади.

Алмашлаб экишнинг 4 : 8 схемаси дала шароитида синаб кўриш мақсадида сут-товар фермаларининг яқинидаги суғориладиган маданий яйловларнинг тезда ўзлаштириш мақсадида жорий қилинади. Бунда биринчи йили бедага пичан учун бошоқли ўтлар аралаштириб экилади, иккинчи, учинчи ва тўртинчи йиллари мол боқиш учун фойдаланилади. 2:7:1 схемали алмашлаб экишнинг 1, 2-далаларида 2:4:1:2, 2:4:1:3 ва 2:5:1:4 схемалардаги сингари беда ўстирилади: 10- даласига хўжалик аҳолисини таъминлаш мақсадида сабзавот, картошка ва полиз экинлари экилади. Ундан олдинги йил, яъни ғўза ўстирилган тўққизинчи далада захарли дорилар ишлатилмаслиги, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда эса биологик усуллар қўлланилиши керак.

Тупроқ типи, унумдорлиги, хўжаликнинг ем-хашакка бўлган талабини ва бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир областдаги тажриба станцияси ўз шароитларини ҳар тарафлама анализ қилиб алмашлаб экиш схемаларини белгилаб беради. Лекин умумий принцип асосида пахта салмоғи қуйидагича бўлиши шарт:

маданийлашган, шўрланмаган ва унумдор ерларда 75-80% ;

кам маданийлашган, шўрланмаган, шунингдек, ўртача шўрланган ерларда 70%;

шўрланган зоналарда ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш мақсадида пахта салмоғи 66-70% -дан ошмайдиган даражада белгиланиши керак.

Алмашлаб экиш тизимларини белгилашда асосий кўрсаткич хўжаликнинг йўналиши, маҳсулот етиштириш шартномавий режасидан ташқари, тупроқнинг шўрланиш даражаси кўпроқ эътиборга олинади. Бундан ташқари, тупроқ унумдорлиги, майдоннинг мелиоратив ва санитария ҳолати, чорвачиликни мустаҳкам ем-хашак билан таъминлаш каби кўрсаткичлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Алмашлаб экишнинг самарадорлиги ўтмишдош экинни тўғри танлашга боғлиқ. Республикамизда узок йиллар алмашлаб экиш асосан беда ва ғўза

асосида олиб борилди. Чунки беда ўсимлиги катта агротехник ва хўжалик аҳамиятига эгадир.

Лекин, шу нарсани қайд этиш лозимки, пахта-ғалла алмашлаб экишда пахта-беда-дон алмашлаб экишга нисбатан пахтанинг умумий салмоғи бирмунча баланд бўлганлиги учун ҳам ундан олинадиган ялпи маҳсулот ҳам юқори бўлади. Бу эса унинг иқтисодий томондан юқори бўлишини кўрсатади. Бирок, бунда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш тадбирларини кўриш лозим.